

ISSN 2181-9068

Agroiqtisodiyot **3** 2017



Agroiqtisodiyot

илмий-амалий аграр иқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

- 3 **О.ОЛИМЖОНОВ, Э.ЯКУБОВА**
Методика оценки социально-экономического положения сельских районов
- 8 **Т.ФАРМОНОВ, Ф.ЮСУПОВА**
Қишлоқ хўжалигида нодавлат ҳамкор ташкилотларни ривожлантириш
- 12 **А.ҚОДИРОВ, Б.ДЎСМАТОВ**
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг асосий ўсиш йўналишлари
- 16 **Ф.ДЎСМУРАТОВ**
Давлат-хусусий шерикчилиги
- 20 **Қ.ИСАБАЕВ, А.ЎРАЗКЕЛДИЕВ, Х.ЛАПАСОВ**
Суғориш усуллариинг рўза ҳосилдорлигига таъсири
- 23 **А.ХЎЖАБЕКОВ**
Развитие добавленной стоимости в дехканских хозяйствах в секторе молочного животноводства
- 28 **Р.ТОШМАТОВ**
Сув ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва прогнози
- 33 **А.МУХТОРОВ**
Қурғоқчил ерларда мойли экинлар етиштириш технологияси иқтисодий самарадорлиги
- 38 **Н.АСКАРОВ**
Кўп тармоқли фермер хўжаликлари истиқболи
- 42 **К.БУСТОНОВ, Р.МУСУРМОНОВ**
Қайта ишлаш жараёнида кичик бизнес субъектлари иштироки
- 45 **А.ЮЛДАШЕВ, З. МЎЙДИНОВ**
Маҳсулотларни сақлаш усуллари ва иқтисодий самарадорлик
- 49 **Ғ.ИСОМИДДИНОВ, А.ҚАЮМОВ, Д.АНАРБАЕВ, Б.ТОШТЕМИРОВ**
Табиий йўқотиш меъёрларини белгилаш
- 54 **Б.ДЖУРАЕВ**
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини сегментлаш
- 59 **Н.МАРДИЕВ, И.АКБАРАЛИЕВ, А.РАҲМАТУЛЛАЕВ**
Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари
- 62 **Ф.ЮСУПОВА, М.ЭРХОНОВА, Ғ.АБДУЛҲАЕВА**
Мойли экинлар етиштириш: тажриба ва уйғунлик
- 67 **Б.АЗИЗҚУЛОВ**
Пахтачиликни интенсив ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари
- 71 **А.АҲМЕДОВ, М.РАҲМАТОВА**
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари
- 75 **И.РАФИҚОВ, З.МУРОДОВА**
Техник ва технологик салоҳиятдан самарали фойдаланиш
- 81 **Ҳ.САЪДУЛЛАЕВ**
Интизом ва маъсулият
- 83 **А.ИБРАГИМОВ**
Шоличиликда янги технологиялар
- 86 **Қ.УТЕГЕНОВ**
Давлат хусусий шерикчилиги асосида лизинг фаолиятини ташкил этиш
- 90 **С.ИСМОИЛОВА**
Аграр соҳада лизинг: ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар
- 94 **А.БАХРИДДИНОВ, Н.БОЛТАЕВ, Н.НОРМУРОДОВ**
Интеллектуал мулкдан фойдаланиш жараёнларини ривожлантириш

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ

Ғани ДЎСМУРАТОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти,
и.ф.н. доцент

Аннотация. Мазкур мақолада давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг зарурияти, унинг йўналишлари ва шакллари баён этилиб, бу тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тармоқни ривожлантириш дастури моҳияти таҳлил қилинган.

Аннотация. В данной статье изложена необходимость государственного и частного сотрудничества, его направления и формы, проанализирована значимость поддержки данной системы со стороны государства и программы развития отрасли.

Abstract. The article shows importance of rising the unite of government and dairy sector, main ways and shapes of this unite, hopefully taking care by government and development of this system.

Иқтисодий ётиш глобаллаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини ошириш шароитида қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши уларни хорижга экспорт қилиш имкониятини юзага келтирди. Бу эса қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари зиммасига ички бозорни етарлича маҳсулот билан таъминлаш ва экспорт рақобатига тайёр бўлиш вазифасини юклайди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини техник ва технологик модернизациялаш, амалга оширилаётган мақсадли дастурлар доирасида ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш жараёнларини кучайтириш, алоҳида ҳудудларнинг мавжуд рақобатбардош афзалликларидан фойдаланиш, зарур ҳажмдаги озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва экспорт ҳажмини оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирлар “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” да ҳам ўз аксини топган [1]. Ана шундай тадбирлардан бири давлат-хусусий шериклигидир.

Бу борадаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат-хусусий шериклигисиз (ДХШ) қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс модернизациялашни таъминлайдиган замонавий миллий инновацион тизимни ривожлантириш ва унинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш имконияти йўқ.

Дунёда давлат билан хусусий сектор ўртасидаги бундай ҳамкорлик “Public Private Partnership” ёки PPP номини олган. Давлат билан тадбиркорлик ўртасидаги ушбу муносабат тури ўтган асрнинг охири чорагида (1981 йил) вужудга келди. Анъанага кўра давлат ва хусусий сектор ўртасидаги альянс фақат аралаш иқтисодий ривожланган мамлакатларга тааллуқли деб ҳисоблаш қабул қилинган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳам “давлат-хусусий шериклиги” ёки “ДХШ” атамаси кенг қўлланилмоқда.

Қонун ҳужжатлари таъбирини баҳолаш тизими порталида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамага қўйилгани бу борадаги салмоқли қадамлардан бири бўлди. Лойиҳада белгиланишича, давлат-хусусий шериклиги — бу инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуидир [2].

Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади. Хусусий шерик эса Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот ҳисобланади. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда дунё миқёсида “ДХШ” атамаси кенг оммалашгани ва янги тренд бўлишига қарамасдан унга таъриф беришда ягона ёндошув ҳалигача мавжуд эмас.

Калит сўзлар: хориж тажрибаси, хўжалик субъектлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, иттифоқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, меъёрий-ҳуқуқий база, самарали фаолият, ҳамкорлик

Давлат-хусусий шериклиги тушунчаси кенг маънода давлат ва хусусий сектор ўртасидаги барча шаклдаги ўзаро муносабатлар сифатида талқин этилади. Бунда давлат барча халқ ҳокимияти субъектларини умумлаштиради ва бошқарувнинг барча – республика, маҳаллий даражаларини ўз ичига олади.

Уни тор маънода таҳлил қилганда эса энг кўп тарқалган бир нечта таърифларини келтириб ўтиш мумкин. Масалан, унга Жаҳон банки томонидан қуйидаги таъриф берилган: “ДХШ – бу ишлаб чиқариш ва инфраструктуравий хизматлар кўрсатиш муносабати билан оммавий ҳамда хусусий томонлар ўртасида қўшимча инвестициялар жалб қилиш мақсадида, энг муҳими, бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тузиладиган битимдир”.

Европа Иттифоқи “ДХШ”ни “инфраструктурани молиялаштириш, қуриш, модернизациялаш, бошқариш, эксплуатация қилиш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадига хизмат қиладиган халқ ҳокимияти ва бизнес ўртасидаги кооперация шакли” сифатида эътироф этган.

АҚШда “ДХШ” “давлат ва хусусий компания ўртасидаги хусусий компанияга келишилган шаклда давлат мулкида иштирок этиш ва анъанавий равишда халқ ҳокимияти масъулияти соҳасида бўлган функцияларни бажариш имконини берадиган шартнома шаклидаги келишув” дея талқин қилинади.

Иқтисодий адабиётларда ҳам ушбу тушунчага таъриф беришда турли хил ёндошувлар кузатилмоқда. Россиялик тадқиқотчи В.Г.Варнавский давлат-хусусий шериклиги тушунчасини “саноат тармоқлари ва илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари, хизмат соҳаларининг ижтимоий аҳамиятга эга кенг қўламдаги лойиҳа ва дастурларини амалга ошириш мақсадида давлат ҳамда тadbиркорлик ўртасидаги институционал ҳамда ташкилий альянс” дея изоҳлаган [3]. А.Г.Зельднер эса кенг миқёсда қуйидагича талқин қилган: “ДХШ – бу инвестициявий ва бошқа ресурслардан ҳамкорликда фойдаланишда ҳокимият органлари ҳамда бизнеснинг ҳуқуқ-мажбуриятларини шартнома асосида бириктириш, риск ва фойдани паритет тақсимлаш, йирик инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишда пировард натижаларга эришиш, мулк ҳуқуқини қайта тақсимлаш ва ижтимоий муносабатларни социаллаштиришни назарда тутадиган ташкилий иқтисодий муносабатлар тизимидир” [4].

Кейинги йилларда “давлат-хусусий шериклиги” тушунчаси жамоа ва хусусий сектор ўртасида ўрта муддатли ёки узоқ муддатли ҳамкорлик, унинг доирасида тажрибани бирлаштириш ва бир нечта секторларни экспертиза қилиш, молиявий таваккалчилик ҳамда фойдани тақсимлаш асосида сиёсий вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назарини ҳам ўзида ифода этмоқда. Аммо фойда ҳамма вақт молиявий таваккалчиликни тақсимлаш билан амалга оширилмаслигини мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларини мустаҳкамлаш даврида ривожлантириш амалиёти яққол исботлади.

Бундай қарама-қаршиликдан қочишга уринган айрим тадқиқотчилар фикрича, давлат-хусусий

шериклиги давлат ва хусусий тadbиркорликнинг биргаликдаги иқтисодий фаолияти шакли бўлиб, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Давлат-хусусий шериклигини иқтисодий категория сифатида таърифласак, у янги шаклланаётган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва инновацион иқтисодиёт билан узвий боғланган инвестиция бозоридир.

Давлат-хусусий шериклиги жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимлари) ва хусусий секторнинг моддий-номоддий ресурсларини узоқ муддатли ҳамда ўзаро манфаатли асосда жамият неъматларини яратиш (муҳандислик ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, ободонлаштириш ва худудларни ривожлантириш) ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасида ва ҳ.к.) учун бирлаштиришда намоён бўлади.

Давлат ва бизнеснинг шерикчилик муносабатлари замонавий жамият ҳамда иқтисодиётнинг бу асосий институтлари манфаатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Давлат инфраструктуравий ва ижтимоий йўналтирилган тармоқлар томонидан аҳолига тақдим этилган хизматларнинг ҳажми ўсиши ҳамда сифати яхшиланишидан манфаатдордир. Хусусий сектор эса барқарор фойда олиш ва уни кўнайтиришга интилади. Бунда стратегик фикрловчи бизнес ўз устувор йўналишларини биринчи навбатда нафақат фойда ҳажмига, балки лойиҳалардан барқарор даромад олишга қараб белгилайди. Томонлар бутун лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишидан манфаатдордир (1-жадвал).

Эътиборли жиҳати шундаки, шерикликнинг ҳар бир умумий лойиҳага ўз ҳиссасини қўшади. Бизнес томонидан бундай ҳисса қуйидагилар бўлиши мумкин: молиявий ресурслар, профессионал тажриба, самарали бошқариш, қарор қабул қилишда эгилувчанлик ва тезкорлик, новаторликка бўлган қобилият ва бошқалар. Кўшма лойиҳаларда тadbиркорлик секторининг иштирок этиши одатда энг самарали иш методларини жорий шаклларини ривожлантириш, янги корхоналарни яратиш (шу жумладан хорижий капитал иштирокида), етказиб берувчилар ва пудратчилар билан самарали кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш билан амалга оширилади. Меҳнат бозорида эса қоидага кўра юқори малакали ва яхши ҳақ тўланадиган касбларга талаб ошади.

Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларида давлат томонида мулк эгаси ҳуқуқлари, солиқ ва бошқа имтиёзлар, кафолатлар ҳамда бир қанча ҳажмда молиявий ресурслар олиш имконияти бўлади. Давлат бошчилик қилувчи субъект ва асосий бошқарувчи сифатида зарурат бўлганда ресурсларни соф ишлаб чиқариш дастурларидан ижтимоий мақсадларга (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият) қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга. Бу ижтимоий-иқтисодий иқлимнинг умумий яхшиланишига имкон беради, мамлакатнинг инвестицион рейтингини оширади ва шериклик лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам беради. Давлат-хусусий шерикчилигида давлат ўзининг асосий вазифаларини бажариш баробарида назорат қилиш, тартибга солиш, жамият манфаат-

1-жадвал. ДХШ доирасида давлат ва бизнеснинг манфаатлари

Давлат манфаатлари	Бизнес манфаатлари
Иқтисодийнинг давлат ва маҳаллий секторини модернизациялаш	Иқтисодийнинг янги соҳаларига кириш имкониятини яратиш
Хусусий бизнес режалари тўғрисидаги ахборотларни олиш имконияти	Бизнесни ривожлантириш режаларини давлат ва ҳудудий режалар билан мувофиқлаштириш
Бюджет маблағларини тежаш ва солиқ тушумларини кўпайтириш	Давлат активларидан фойдаланиб фойда кўринишида кўшимча даромад олиш
Ресурслардан фойдаланиш ва бошқарув ноу-хауни қўллашда синергетик самара	Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджет маблағларини жалб этиш
Лойиҳаларни амалга оширишдаги рискни хусусий сектор билан бўлишиш	Лойиҳани амалга ошириш рискни ҳокимият органлари билан бўлишиш
Оммавий хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатчилик муҳитини яратиш	Оммавий хизмат кўрсатиш жараёнида ривожланишни чеклашни бартараф этиш
Қарор қабул қилиш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ошиши	Позитив ижтимоий реклама

ларини таъминлашда энг қулай имкониятга эга бўлади.

Инфраструктура соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожланиши билан бирга давлат ўз фаолиятини объектларни куриш ва эксплуатация қилишининг аниқ муаммоларидан маъмурий-назорат вазифаларига ўзгартириши мумкин. Бунда муқаррар талбиркорлик таваккалчилиги талбиркорлик томонга қайта тақсимланади. Давлат-хусусий шериклигининг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, пировардида жамият энг сифатли хизматларнинг глобал истеъмолчиси сифатида муваффақиятга эришади.

Давлат-хусусий шериклиги учун устувор соҳалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳамиятидан келиб чиқиб энг фойдали ва тез ўзини қоплайдиган тармоқлар (нефт қазиб олиш, савдо ва умумий овқатланиш, пиво тайёрлаш, қандолатчилик ва бошқалар) эмас, балки аксинча айни вақтда инвестор учун жозибадор бўлмаган, давлат ва жамиятнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб берадиган секторлар ҳисобланиши лозим. Бунда давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши асосий шартдир. Бу биринчи навбатда аграр соҳага тегишли бўлиб, ундаги паст самарали корхоналар замонавий ва рақобатбардор ишланмаларга асосланган корхоналарга ўрнини бўшатиши зарур.

Энди аграр соҳадаги давлат-хусусий шериклигига таъриф берадиган бўлсак, у соҳада давлат ва хусусий сектор вакиллари ўртасидаги ресурсларни бирлаштириш ва даромадлар ёки номоддий фойда, сарф-харажатлар ҳамда рискларни тақсимлаш асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича узоқ муддатли муносабатлар тизимидир. Фикримизча, бунда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида ижтимоий мақсадларга эришишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш учун давлат ва бизнес ресурсларини бирлаштириш жараёни тушунилади.

Давлат ва агробизнеснинг ўзаро алоқаси жараёни унсурлари субъектлар (давлат ва бизнес) ҳисобланган тизимни ўзида намоён этади. Бунда у турли хил

шерикчилик шакли воситасида методлар (прогноزلаш, стратегик режалаштириш, дастурлаш, квоталаш, инвестиция киритиш, кредитлаш, суғурталаш, тариф-божхона имтиёзлари) ва дастаклардан (баҳо, солиқ, банк фойзалари, валюта курси) фойдаланган ҳолда тармоқлар ривожланишига таъсир кўрсатиб, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, унинг миллий ва жаҳон бозорларига чиқаришга имкон беради.

Муҳокамага қўйилган қонун лойиҳасида ҳам давлат-хусусий шериклиги қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида амалга оширилиши белгилаб берилган. Ҳамкорлик асосан лойиҳалаштириш, молиялаштириш, курилиш, тиклаш, илмий тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва ишончли бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олади. Маълум бир лойиҳа доирасида шериклар бирга хизмат қилишининг асосий шартлари шартномада белгиланади. Уни тузиш учун эса тендер ўтказилади. Хусусий шерикка унинг лойиҳасини амалга ошириш учун давлат кафолатлари ва давлат иқтисодий кўмаги тақдим этилади.

Давлат-хусусий шериклигини яратиш мақсади қуйидагилар ҳисобланади: ДХШ ҳар бир томонининг ресурслари ва тажрибаларини бирлаштириш йўли билан инфраструктурани ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни энг кам харажатлар ва рисклар билан амалга ошириш ҳамда юқори сифатли хизматлар тақдим этиш. Бунда хусусий шерик фойдасига қуйидагиларни киритиш мумкин: узоқ муддатли барқарор бизнес, компания ёки консорциум иштирокчилари имижининг маҳаллий (кўп ҳолларда халқаро ҳамжамят) даражасида яхшиланиши, талбиркорликни ривожлантириш учун кўшимча имкониятлар олиш.

Ҳозирги вақтда олимлар ўртасида давлат-хусусий шериклиги моҳияти ва мазмуни борасида ягона фикр йўқ. Демак, давлат-хусусий шериклиги — бу хусусий бизнеснинг давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва реконструкция қилиш, модернизациялаш ёки ижтимоий инфраструктура объект-

ларини янгидан қуриш ва хатарли ишларни бажариш учун тақсимлаш шарти билан объектлардан фойдаланган ҳолда оммавий хизматлар кўрсатиш учун жалб этишдир.

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклиги ҳали тегишли дастакларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичида турибди. Бу жараённинг асосий муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— юқори риск — хусусий шерикнинг банкротлиги мумкин бўлган ҳолатда давлат-хусусий шериклигини муҳофаза қилиш давлат чекига тушади, бу эса ушбу институтни яратишнинг дастлабки босқичида унинг ривожланишини шубҳа остига қўяди;

— мамлакат қонунчилигида бу масалаларнинг етарлича ишлаб чиқилмагани (давлат-хусусий шериклиги тўғрисида қонуннинг эндигина лойиҳаси ишлаб чиқилди, меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас, тегишли давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини баҳолаш, келишиш, тасдиқлаш ва назорат қилиш вазифаларини бажаришга ваколатли ягона давлат органи йўқ);

— инвестициявий муҳит етишмовчиликлари — капитал миллий бозорининг заифлиги, даромадларнинг секин кўпайиши, давлат органларида анъанавий самарасиз бошқарув методлари, истеъмолчилар тўлов қобилятининг камлиги.

Давлат-хусусий шериклигининг мавжуд ва янги шакл ҳамда моделлари турли-туманлигини эътиборга олган ҳолда аграр сектордаги бундай ҳамкорлик ҳозирги босқичда қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши лозим:

— алоҳида ҳудудларда барча ҳўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, инвесторлар ва ушбу ҳудудлар аҳолисининг манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— инновацион-фаол ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш (бу технопарклар, технополислар ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади);

— технологияларни трансфер қилиш марказларини яратиш;

— ҳудудий инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Таъкидлаш жоизки, ушбу шакллар ўзига хос хусусиятлар, афзалликлар ва камчиликларга эга бўлса-да, давлат-хусусий шериклиги иштирокчилари

манфаатларини иқтисодий асослаш ва келишишдан кейин уларнинг биридан (ўзаро мувофиқлаштириш орқали бирданига бир нечтасидан ҳам) самарали фойдаланиш мумкин.

Аграр сиёсатни амалга ошириш жараёнида давлат-хусусий шериклигининг турли хил шакллари ривожлантирилади. Ҳал этиладиган масаланинг хусусиятига қараб мавжуд ва янгидан вужудга келаётган шериклик шакллари турларга ажратиш лозим бўлади.

Ҳозирги вақтда талқиқотчилар ўртасида давлат-хусусий шериклиги шакллари ва методларини қараб чиқишга умумий ёндошувлар шакллантирилган бўлиб, уларни қуйидаги мезонларга кўра ажратиш мумкин:

а) молиялаштириш манбаси бўйича (давлат ва хусусий);

б) шериклик жараёнида яратилган объектга мулкчилик ҳуқуқи бўйича;

в) ДХШ объекти ҳаётий босқичлари бўйича [5].

Давлат-хусусий шериклигидан давлат ва хусусий шериклар кучли томонларидан фойдаланиб, потенциал фойда қуйидагилар учун олинади:

— самарадорлик ўсишига эришиш. Кўпчилик ижтимоий неъматлар хусусий сектор томонидан анча самарали тақдим этилиши мумкин (хусусан, агар шартномалар натижа олишга йўналтирилган бўлса ва хусусий шерикка иқтисодий фойдали қарорни айнан тенглаштириш имконияти тақдим этилса);

— ресурс ва инвестицияларни сафарбар этиш. Давлат-хусусий шериклиги кўшимча ресурслар жалб этиш ва молиялаштиришда сезиларли салоҳиятга эга. Баъзан чекланган давлат маблағлари талаб этилади ва ҳатто улар мавжуд бўлмаганда ҳам сезиларли хусусий инвестицияларни жалб этиш мумкин;

— инновацион қарорларни ривожлантириш. Давлат-хусусий шериклигининг хусусий секторни рағбатлантириши ижодий гояларни ривожлантириши мумкин;

— рискни пасайтириш. Лойиҳавий рискнинг бир қисмини хусусий шерикларга ўтказиш давлат-хусусий шериклигидан олинadиган муҳим афзалликлардан бири бўлиши мумкин ва давлат сарфлари устидан муваффақиятли назорат қилишга олиб келади.

Ҳозирги шароитда қишлоқ ҳўжалигининг самарали фаолият кўрсатиши давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш ва барча иштирокчиларининг ўзаро фаол муносабатда бўлишига ҳам чамбарчас боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кунги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар Стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, 2017 йил, июнь. <http://www.nogma.uz>.
3. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски. М., 2005.
4. Зельднер А.Г. Государственно-частное партнерство-мейнстрим современного этапа российской экономики // Мир перемен. 2014. №1.
5. Глоссарий. URL: http://www.pppinrussia.ru/main/PPP_in_russia/glossary/block/letter/%D0%93.